

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ШАХАРЛАРИДА ИЖТИМОЙ АҲВОЛИ

Саидусмонмон Шаропов Саидахмедович,
Термиз давлат университети Жаҳон
тарихи кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Жамият тараққиёти тарихининг турли давларида шаҳар ҳал қилувчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Урбанистик жараёнлар тараққиётининг ўзига хос қонуниятларига аниқлик киритиш зарурати илк шаҳарлар тарихини ҳозирги кунда ҳар томонлама ўрганишни тақозо этмоқда.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳаёт, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қарши, Шеробод, Денов, Бойсун, иқтисодий-маданий маркази, урбанизация.

Аннотация: В разные периоды истории развития общества город имел решающее социально-экономическое и политическое значение. Необходимость выяснения конкретных закономерностей развития городских процессов требует всестороннего изучения истории первых городов.

Ключевые слова: общественная жизнь, Шахрисабз, Китаб, Яккабог, Карши, Шерабад, Денов, Байсун, экономический и культурный центр, урбанизация.

Abstract: In different periods of the history of the development of society, the city had a decisive socio-economic and political importance. The need to clarify the specific laws of the development of urban processes requires a comprehensive study of the history of the first cities.

Key words: social life, Shahrisabz, Kitab, Yakkabog, Karshi, Sherabad, Denov, Boysun, economic and cultural center, urbanization.

Сурхондарё воҳасининг қадимий иқтисодий-маданий маркази бўлган Шеробод шаҳри воҳанинг жануби-ғарбий тоғ тизмалари билан ўралган ҳудудда жойлашган бўлиб, Шеробод шаҳри ёнидан Шеробод дарёси оқиб ўтиб, ушбу дарё фақат баҳор ойларида серсув бўлиб, Амударёга бориб қуйилган.

Шеробод шаҳри Шеробод беклигининг йирик марказий шаҳри бўлиб, Кўхитанг тоғ тизмаларининг жанубий қисмида жойлашган Шеробод дарёси қирғоғида жойлашган йирик маъмурий-худудий марказ ҳисобланган. Шеробод шаҳри Шеробод беклигининг маркази бўлиб, йирик маданий ҳамда савдо маркази сифатида танилган. Шеробод шаҳрига 16 та қишлоқ бўйсуниб, 2000 оиладан иборат бўлган 7000 деҳқон ер Шеробод беклигининг асосий фойда келтирувчи хўжалик тизимида кирган. Шеробод беклигида 7 та амлақдорлик бўлиб, 2000 кв. версдан иборат майдонни ўз ичига олган.

Шеробод шаҳрида 779 та оила истиқомат қилиб, Сарийосиёда 627 та оила, Юрчида 931 та оила истиқомат қилган[1:102-103].

Шеробод шаҳри бутун Шеробод воҳасининг маъмурий ва савдо маркази ҳисобланган. Шеробод шаҳрини мустаҳкам қалъа ҳимоя қилиб, уч қатор ички девордан иборат бўлган. Шеробод шаҳрининг маъмурий бошқарув маркази дарё бўйидаги йирик қояда жойлашиб, бу шаҳар ва воҳани бошқарувчи бекнинг уй қалъаси ҳисобланган. Шеробод шаҳрининг қадимги номи «Шаҳрихайбар» деб аталиб, кейинчалик XVIII асрда ҳозирги Шеробод шаҳри марказида Шералихон номи билан ҳарбий-сиёсий ва маъмурий-худудий марказ сифатида вужудга келган. Шеробод шаҳри ва унинг атрофи 5 та амлақдорликдан иборат бўлиб, ҳар бир амлақдорликда 3-5 тадан қишлоқ мавжуд бўлган[4:154-157].

Шаҳрисабз шаҳри Бухоро амирлигининг шимолий қисмида, Самарқанд вилоятининг жанубида, Қашқадарё сув ҳавзасининг дастлабки бошланғич қисмида жойлашган бўлиб, ўзининг табиий, тарихий шароитларга кўра унинг турли қисмлари текислик, нотекислик ҳамда тоғлиқлар билан ўралган. Шаҳарнинг шарқий тоғ қисмлари Қашқадарё дарё ирмоқлари билан боғланган бўлиб, Шаҳрисабз шаҳри тоғ тизмаси билан қуршалган. Шимолий қисми

Самарқанд тоғининг жанубий қисми билан боғланган ҳамда Самарқанд йўналишида тоғ тизмалари билан ўтадиган тоғ йўллари билан туташган. Шаҳрисабз шаҳри Ғузор-Бухоро, Ғузор-Шеробод-Термиз алоқа йўллари билан мунтазам тарзда савдо қарвон ҳаракати билан боғланган. Шаҳар аҳолиси Оқсув, Танхос, Яккабоғ дарё ирмоқлари билан боғлиқ ҳудудларда истиқомат қилган[11:95-96].

Шаҳрисабзда Кенегеслар маҳаллий аҳоли сифатида манғит амирларига қарши жиддий курашлар олиб борди. Амир Насруллахон кенегесларга қарши жиддий курашлар олиб бориб 30 йил давомида кенегеслар билан 32 марта ҳарбий тўқнашди.

1856 йил Кенегеслар билан бўлган ҳал қилувчи жангда Амир Насруллахон ғалабани қўлга киритиб, манғитлар ҳукмронлигини Шаҳрисабз ва Китобда тиклади ҳамда аҳолини шавқатсизларча талаб, бутун аҳолининг қаршилиқ кўрсатган қисмини қириб ташлади. Шаҳрисабз бегининг қизи Кенегасхонимни зўрлик билан ўзига никоҳлаб олиб, Бухорога олиб кетди. Бу билан у Бухоро амирлиги қонуний кенегеслар устидан ўзининг ҳукмронлигини ўрнатганлигини никоҳ орқали тасдиқлаб олди[10:182]. Бироқ Шаҳрисабз аҳолиси тинимсиз тарзда Амир салтанатига қарши жиддий кураш олиб борди. Кенегас халқи билан манғитлар сулоласи ўртасида кураш Амир Насрулло даврида деярли тўхтамади. Амир Насруллахон кенегас аҳолисига нисбатан шавқатсизлик сиёсатини давом эттириб, ҳатто ўзининг никоҳида бўлган хотини Кенегасхонимни «Мени қулоғимга симоб қўйдинг» деб жаллодга топшириб юборди[6:38].

Бухоро амирлигига қарши мунтазам тарзда Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарларида халқ ҳаракатлари бўлиб, Амир Насруллохон, унинг ўғли Саид Музаффархон даврида ушбу қўзғалонларни бостириш учун 32 марта ҳарбий юришлар уюштирилди, бироқ Амир Насруллохон узоқ вақтгача Китоб, Шаҳрисабз қалъаларини эгаллаб ололмасдан шаҳар атрофидаги ғаллазорларни от қўйиб едириб, ғалласиз қолган шаҳарларни босиб олишга ҳаракат қилди. Ана шу олиб борилган мудҳиш босқинчилик, талончилик натижасида халқнинг тинчлиги бузилиб, жиддий тарзда Амирнинг босқинчилик сиёсатига қарши халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Натижада 1860 йил шавқатсизликдан танилган 35 йил амирлик қилган Насруллахон ўз хотини Кенегасхоним томонидан ўлдирилди.

1868 йил майида Россия ҳукуматининг Ўрта Осиёга истилочилик ҳаракати натижасида тарқоқ, маъмурий-сиёсий жиҳатдан заиф, Бухоро амирлиги шаҳарларини руслар томонидан истило қилиниши тезлашди. Натижада генерал Кауфман Зирабулоқ қишлоғидаги жангда Амир Музаффар қўшинларини мағлубиятга учратиб, шармандали битмни имзолади. Ушбу битмдан кейин Бухоро амири катта тавон тўлаб, русларни Бухоро амирлиги шаҳарларида эркин савдо-сотиқ қилиши учун розилик билдирди[7:40].

1870 йил рус генерали Абрамов бошчилигидаги рус армияси Бухоро амирлиги шаҳарларини босиб олиш ҳатти ҳаракати билан шуғулланиб, махсус жазолаш экспедицияси қўшинлари билан Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарларини талон-тарож қилди. Амир Музаффархон икки тараф ўртасидаги шартномаларни имзолаш ва ўзаро қелишув асосдаги битмга имзо қўйишга мувофиқ бўлди.

1870 йил 11 августда генерал Абрамов раҳбарлигидаги қўшинлар Китоб ва Шаҳрисабзни эгаллаб, шаҳарга жуда катта жиддий талофат етказдилар. Бироқ маҳаллий аҳоли рус истилочиларига қарши каттиқ қаршилиқ кўрсатиб, русларни истилочилик ҳаракатларини мунтазам тарзда қайтариб турди. 1870 йил 14 августда Китоб қўрғони, 15 августда эса Шаҳрисабз шаҳри руслар томонидан эгалланди. Амир Музаффархон ихтиёридаги Ғузор, Кармана, Ҳисор, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қарши, Шеробод, Денов, Бойсун шаҳарларида рус савдо қарвонлари эркин мулоқот қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бухоро амири ҳар йили 2 марта кузда ва баҳорда Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳат қилган. Шаҳрисабздан Китобгача масофа 8 верстни ташкил этган. 1870 йил 14 сентябрь куни Амир Бухородан чиқиб, 14 сентябрь куни Қарши шаҳрида бўлди. 30 сентябрь куни эса Шаҳрисабз шаҳрига келди. Самарқанд шаҳридан Китоб шаҳрига икки йўл орқали бориш мумкин эди. 1. Жомий йўли бўлиб, бу йўл орқали 1970 йил рус қўшинлари Китоб

шаҳрига келиб, уни эгаллаган эдилар. Китоб шаҳри йирик маданий, иқтисодий марказ бўлиб, бир неча кичик бозорларига ҳам эга эди. Шаҳар ҳаддан ташқари кичик тор кўчалардан иборат бўлиб, шаҳар маъмурий, идоравий усулда бек одамлари томонидан бошқарилар эди. Шаҳар ўрдасига дарвозалар орқали кириб келиб, бозорларга мева ва ҳар хил кийим-кечаклар, савдо-сотикнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланган. Китоб беги Абдужалил даврида шаҳар анча ривожланиб, тараққий этиб борди[5:78-85].

1889 йил сиёсий фаолиятини бошлаган Амир Олимхон қарши вилоятига ҳоким этиб тайинланиб, унга Абулхайр (1885-1910)ни маслаҳатчи, ёрдамчи сифатида ҳамда бошқарув ишларига ёрдам бериш учун Усмонбекни унга оқсоқол этиб тайинлади. Чунки Олимхон давлат ишларини бошқаришда ёш, тажрибасиз ҳамда маъмурий-сиёсий ишларни тушунмас эди[3:8-9].

Этнограф В.Безобразов Китоб, Шаҳрисабз бекликларининг маъмурий-худудий тузилишини ўрганиб, бу бекликлар қадимий аҳоли марказларида жойлашган бўлиб, қулай, иқтисодий, сиёсий ва маъмурий марказ сифатида шаклланганлигини ва уларни шаҳар ҳокими яъни беклар бошқарганлигини қайд этади[2]. Шаҳарларнинг маъмурий, худудий бошқариш усулида ва бекликнинг умумий бошқарув назорати ташкил этилган яъни шаҳарни бошқаришда оқсоқоллар, саркардалар, қозилар, раислар, муроблар ва миршаблар ҳал қилувчи роль ўйнаб, шаҳарнинг бошқарув йўналиши бўйича ўз вазифаларига эга бўлган. Шаҳар оқсоқоллари, беклик вакиллари, ҳар бир маҳалла кўча бўйича солиқни ўз вақтида йиғиб олиш, уни ташкил қилишга жавобгар бўлган. Масалан шаҳар маъмурий бошқарувида 6 та саркарда бўлиб, улар Ахчабўғ, Пистахона, Жовуз, Башир, Ғаров, қоронғи қаби маҳалла худудларига бўлинган. Шаҳрисабз шаҳрида эса 9 та саркор бўлиб, уларнинг ҳар бирига белгиланган маҳаллалар топширилган. Масалан, шаҳарда тошқўприк дараси Танкос шаҳарнинг ғарбий қисми бўйича Ўртақўрғон, Дах, Занги, Шанба, Янгиқўрғон худудларининг ҳар бири саркорлар қўлида бўлиб, шаҳарда 10 та муроб, шаҳарни сув билан таъминлаш ишлари билан шуғулланган. Шаҳарнинг ободонлаштириш, сув билан таъминлашда, маъмурий солиқ тизимини ташкил этишда миробларнинг хизмати ниҳоят даражада катта бўлиб, улар ҳар бир хонадондан бир тангадан солиқ учун пул йиғиб олганлар.

Шунингдек, шаҳарни маъмурий, худудий назорат қилиш учун аҳоли ва маъмурият ўртасида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда шаҳардаги асосий ҳокимият қози ихтиёрида бўлган. Бутун ҳуқуқий назорат ва судлов ишлари қози томонидан олиб борилган. Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарларида 5 та қози бўлиб, уларнинг муфтилари ҳуқуқий масалаларни ҳужжамлаштиришда бевосита иш олиб борганлар. Қозилар асосан саркорлар яшайдиган қишлоқларда истиқомат қилиб, Китоб ва Шаҳрисабздаги асосий бошқарув орган бўлган қозикалонга бўйсуниб, улар билан биргаликда раис ва миршаблар иш олиб борган. Маъмурий, ҳуқуқий бошқарув даврида раис ва миршаблар айбдорларни топиб, жазолаб, шаҳар маъмурияти топширигини муваффақиятли бажаргач, ҳар бир амалга оширган ҳисоботдаги йирик ишлари учун 5-6 тангадан рағбатлантириш олганлар. Шунингдек, қозиларнинг маъмурий бошқарилишида қонун ишларини бажариш ва тасдиқлатиш мақсадида махсус мулла, меросхўрликни аниқловчи хизматчи, мулкларнинг баҳосини аниқловчи ходимлар иш олиб борганлар. Келин-куёвни никоҳлаш учун қози томонидан тайинланган муллалар 10 танга баъзан эса 5 танга, вақф ҳамда савдо-сотик ишларини ҳужжатлаштирганлиги учун 2-3 тангагача ҳазина учун пул олганлар[8:30-31].

Бухоро хони Раҳимхон даврида шаҳарларни маъмурий, худудий бошқариш мақсадида бир қатор ислохотлар ўтказилди. Айниқса, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарлари масаласида назорат кучайтирилди. Бухоро амири Раҳимкулихон Шаҳрисабз ва Китоб бекликларини доимий қаттиқ назоратда тутиш ва бўйсунмаган бекларни жазолаш мақсадида турли хил жазолаш усулларидан фойдаланган. Масалан, Амир Раҳимкулихон Шаҳрисабз бегини жазолаш мақсадида Бухоро шаҳрига меҳмондорчиликка чақириб, зиёфат вақтида уни қамокқа олиб жазолади ва Шаҳрисабзга Амир Раҳимкулихонга содиқ киши тайинланиб, у 5 йил Шаҳрисабзни бошқарди. Тарихий манбаларнинг қайд этишича, Шаҳрисабз ва Китоб бекликларининг тез-тез ўзгариб туриши натижасида нотинчлик бўлиб, халқнинг сабр-қосаси ниҳоят даражада тўлган эди. Натижада Шаҳрисабз ҳукмрон доиралари маъмурий-худудий бошқаришни ўз қўлларига олиб,

Амирга қарши бир неча марта халқ исёнлари уюштирди. Шаҳар мудофасини мустаҳкамлаб, каттиқ химоя истеҳкомларини вужудга келтирди[9:35-36]. Бухоро амирлиги даврида Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ шаҳарлари ўзининг маъмурий-худудий тузилиши, мустаҳкам ҳарбий қалъага эга бўлиши, маъмурий бошқарувда маҳаллий задагонларнинг кўпчиликини ташкил этиши билан ажралиб турган.

Ўзор шаҳри Қашқадарё ирмоқлари қуйиладиган Ўзор дарё сув ҳавзаси билан боғланган, унинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Шаҳрисабз тоғ тизмалари билан боғланиб, шарқий қисми Шеробод-Бойсун тоғларининг ғарбий тизмаларига бориб тақалади. Шаҳар аҳолисининг асосий қисми Ўзор дарёсининг шимоли-ғарбий қисмида истиқомат қилади. Шунингдек, Лангардарё суви билан Ўзорнинг Янгикент Тенге-Харам қишлоқлари суғорилади. Ўзор шаҳрида 850 оила истиқомат қилиб, шаҳар марказида Афғонбоғ ва Эскибоғ кентлари аҳоли гавжум маҳалла сифатида тарихий манбаларда акс этган.

Шаҳарлар ҳақида сўз борар экан, қайд этиб ўтиш лозимдирки, кўриладиган давр мобайнида Ўрта Осиё ҳудудида ҳажми, аҳолисининг сони ва жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг айрим жиҳатлари билан бир-биридан фаркланувчи кўплаб катта ва кичик шаҳарлар мавжуд эди. Шу билан бирга шаҳарларни тавсифлашда эътиборга лойиқ умумий ҳолатлар ҳам мавжуд. Улар Ўрта Осиё шаҳарлари тараққиётининг айрим умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлашда ёрдам беради. Бу ҳолат, айниқса шаҳарларнинг ташқи кўринишида яққол кўзга ташланади. Табиийки, савол туғилади-сўнгги ўрта аср шаҳарлари қандай ва қай тарздаги ташқи кўринишига эга эди? Қайд этиб ўтиш жоиздирки, Ўрта Осиёнинг сўнгги ўрта асрларга қадар мавжуд бўлган, кўриладиган даврга келиб тараққиёт пиллапоёлари ва инкирозли даврларни ўз бошидан кечирган ҳамда айнан мана шу даврга бу қадим ўлкада вужудга келган янги шаҳарлар ҳам деворлар билан ўраб олинган эди. Шаҳарларнинг деворлар билан ўраб олиниши Ўрта Осиё шаҳарларини тавсифлашда уларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган асосий ҳолатлардан биридир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ананьев. Шерабадская долина. Стр-102-103.
2. В.Безобразов. «Очерки Шахрисабзского бекство» асари.
3. Фитрат «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври». 8-9 бет.
4. Маев Н.А. Материалы для статистики Туркестанского края. С.Петербург. Военное изд. тво. 1879. С. 154-157.
5. Маев Н.А. Материалы для статистики Туркестанского края. Выпуск с Петербург. 1879. С. 78-85.
6. О.Жўракулов. Қашқадарё мангитлари. Т.ф. 1993 йил. 38-бет.
7. О.Пармонов, А.Бердиев. Китоб тумани. Фан нашриёти, 1996 йил. 40-бет.
8. О.Пармонов., А.Бердиев. Китоб тумани. Фан нашриёти, 1996 йил. 30-31 бетлар
9. Садриддини Айний асарлари. 1-том. Т.: 1963 йил, 182-бет.
10. Территория и население Бухары и Хорезма. Стр-95-96.

BOLTAJON SODIQOV- TARIXIY VA ADABIY MULOHAZA

Choriyev Sanjar Hamzayevich,
Termiz davlata universiteti
Jahon tarixi kafedrasi o'qituvchisi

Анотатсия: “О‘қитувчи инсон руҳининг муҳандиси, яшар авлод бахтининг наққоши, ҳайкалтароши, меҳрибон ва талабчан устози. Ана шу касб фидойиси бўлган инсонгина бу борда муваффақиятга еришадиган”- Boltajon Sodiqov.